

**"Бир миллион дастурчи" лойиҳаси
курсларини муваффақиятли тамомлаган, IT-
парк резиденти ўқувчилари ёки
битирувчилари бўлган ёшларга истеъмол
кредити орқали компьютер харид қилишда
кафиллик бериш ва ушбу кредитлар
фоизларини компенсация қилиш тартиби
бўйича
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

"Бир миллион дастурчи" лойиҳаси курсларини муваффақиятли тамомлаган, IT-парк резиденти ўқувчилари ёки битирувчилари бўлган ёшларга истеъмол кредити орқали компьютер харид қилишда кафиллик бериш ва ушбу кредитлар фоизларини компенсация қилиш тартиби бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025. – 13 бет.

Мазкур услубий қўлланма «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ёшларга, шунингдек, IT-парк резидентининг ўқувчиси ёки битирувчиси бўлган ёшларга истеъмол кредити ажратилиши бўйича муҳим маслаҳатларни тўплаб ва компьютер харид қилишда кафиллик бериш ва ушбу кредитлар фоизларини компенсация қилиш тартиби бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.



Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	4
Умумий қоидалар.....	5
Асосий тушунчалар.....	6
Давлат хизмати курсатиш тартиби.....	8
Истеъмол кредити ва микроқарз бўйича маълумотлар.....	11
Сўровнома.....	13

"Бир миллион дастурчи" лойиҳаси курсларини муваффақиятли тамомлаган, IT-парк резиденти ўқувчилари ёки битирувчилари бўлган ёшларга истеъмол кредити орқали компьютер харид қилишда кафиллик бериш ва ушбу кредитлар фоизларини компенсация қилиш тартиби бўйича хужжатлар


Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.10.2021 йилдаги «Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 617-сон қарори	

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 78-модда.

Ёшларни муносиб иш ва даромад билан таъминлаш, замонавий касблар, хорижий тиллар ва IT-технологиялар ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича кенг қамровли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Асосий тушунчалар

➔ **Ариза берувчи** — «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган, шунингдек, хорижий тилни билиш бўйича С1 даражасидаги сертификатга эга бўлган, компьютер харид қилиш учун истеъмол кредити бўйича Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан кредитнинг фоиз тўловларини компенсация қилишни сўраб мурожаат қилган **ўттиз бир ёшга тўлмаган** Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс (*ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахс номидан мурожаат қилган унинг қонуний вакили*);

➔ **Банк** — «Бир миллион дастурчи» сертификати, хорижий тил сертификати ва маълумотнома олган ёшларга компьютер харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратадиган АТ «**Халқ банки**», АТ «**Алоқабанк**» ва «**Микрокредитбанк**» АТБ;

➔ «**Бир миллион дастурчи**» **сертификати** — «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ёшлар бўйича тегишли ахборот тизимлари орқали бериладиган электрон ҳужжат;

➔ **Истеъмол кредити ёки микроқарз** — ариза берувчига компьютер (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 бараваридан кўп бўлмаган** миқдорда банк томонидан ажратиладиган маблағ;


➔ **Маълумотнома** — ваколатли орган томонидан ариза берувчига компьютер харид қилиш учун ажратиладиган истеъмол кредити бўйича мазкур кредитнинг фоиз тўловлари компенсация қилиниши тўғрисида тақдим этиладиган ҳамда **90 календарь кун мобайнида** амал қиладиган электрон ҳужжат;

➔ **Хорижий тил сертификати** — Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги 209-сон қарори билан тасдиқланган Ўқиш ва имтиҳон топшириш харажати компенсация қилинадиган халқаро имтиҳон тизимлари

рўйхатида келтирилган хорижий тиллар бўйича уларни билиш даражаси камида **C1** эканини тасдиқловчи, масъул ваколатли ташкилотлар томонидан бериладиган, махсус серия рақамига эга расмий ҳужжат.



Верификация — ариза берувчи томонидан тақдим этилган «Бир миллион дастурчи» сертификати ва хорижий тил сертификатининг ҳақиқийлигини тегишли электрон тизимлар орқали текшириш;

 Компьютер харид қилиш учун банклар томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 бараваридан ошмаган** миқдорда истеъмол кредити ажратилади ҳамда компьютернинг қиймати ажратилган кредит суммасидан ошганда, ортиқча қисми ариза берувчи томонидан тўланади.

Ариза берувчиларга истеъмол кредитининг муддати ўтмаган асосий қарзи учун ҳисобланган фоиз тўловлари жамғарма ҳисобидан тўланади.

Бунда:

● *«Бир миллион дастурчи» сертификати ва хорижий тил сертификатига эга бўлган ёшлар томонидан олинган истеъмол кредитининг фоиз тўловлари ушбу кредитнинг муддати ўтмаган асосий қарзи учун ҳисобланган фоиз тўловлари бўйича **компенсация жамғарма томонидан тўлаб берилади;***

● *Ариза берувчининг фақат **битта истеъмол кредити** бўйича компенсация берилади;*

● ***Ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача** бўлган шахсларнинг қонуний вакилларига истеъмол кредитининг фоиз тўловлари компенсация қилинади.*

Истеъмом кредити орқали компьютер харид қилиш учун ёшларга мазкур кредитларнинг фоиз тўловларини компенсация қилиш бўйича давлат хизматларини боскичма боскич кўрсатиш тартиби

1-боскич

● **Ариза берувчи** - давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали сертификатни илова қилган холда мурожаат қилади.

Сертификатлар берилган санадан бошлаб 6 ой мобайнида

2-боскич

● **Давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП** - Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни Ёшлар ишлари агентлигига юборади.

ДХМ-10 дақиқа мобайнида ЯИДХП- Автоматик тарзда

3-боскич

● **Ёшлар ишлари агентлиги** – ЯИДХПдан келиб тушган аризанинг сертификатларни верификациядан ўтказди; -хорижий тил сертификатининг ҳақиқийлигини верификация орқали аниқлаш имкони бўлмаса, унинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни сўраб ваколатли хорижий ташкилотга сўров юборади; -ариза берувчининг маълумотлари тўғри деб топилганда, унга истеъмом кредити бўйича компенсация тўланиши тўғрисида маълумотнома беради, акс ҳолда ариза берувчига рад жавобини беради; -верификациядан ўтган ариза берувчиларнинг электрон реестрини шакллантиради, ушбу электрон реестрни банкка автоматик равишда тақдим этади.

5 иш куни (хорижий тил сертификати ҳақиқийлиги бўйича хорижий ташкилотга сўров юборилганда 30 иш куни) мобайнида

4-босқич

● **АТ «Халқ банки», «Алоқа банк», «Микро-кредитбанк»** - Ариза берувчига истеъмол кредити ажратиш масаласини кўриб чиқади; -Истеъмол кредити ёки микроқарз ажратиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиради;

**Банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган муддатларда
Ҳар ойнинг 15-санасига қадар**

5-босқич

● **Ёшлар ишлари агентлиги** - истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларини банкларнинг тегишли ҳисобварағига ариза берувчиларнинг реестрини илова қилган ҳолда ўтказди.

**Банклар билан келишилган муддатларда
ҳар ойнинг 25-санасига қадар**

6-босқич

● **АТ «Халқ банки», «Алоқа банк», «Микро-кредитбанк»** - тақдим этилган реестрга мувофиқ маблағларни истеъмол кредити фоизларини қоплаш учун ариза берувчиларнинг банкдаги ҳисобварағига ўтказди.

2 иш кунида



Давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун асослар

- ариза берувчи томонидан сўровномада **нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши**;
- «Бир миллион дастурчи» сертификати ёки хорижий тил сертификатидаги маълумотлар ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи **ҳужжатдаги маълумотларга мос келмаслиги**;
- мурожаат қилинган санада «Бир миллион дастурчи» сертификати ёки хорижий тил сертификати **берилганига 6 ой ўтганлиги**;
- ариза берувчига истеъмол кредити бўйича фоиз **тўловлари компенсация қилинаётганлиги (қилинганлиги)**;
- ариза берувчининг аввалги мурожаати асосида ваколатли орган томонидан берилган маълумотноманинг **амал қилиш муддати тугамаганлиги**;
- мурожаат қонуний вакил томонидан берилганда унинг қонуний вакил эканлигини **тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги**.



➔ Давлат хизматини кўрсатиш рад этилганда, бу ҳақида ариза берувчига автоматик равишда СМС хабар юборилади.

Истеъмол кредити ва микроқарз бўйича маълумотлар

Истеъмол кредити ёки микроқарз ажратиш тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилинган ва компьютер етказиб берувчи ташкилотларнинг банкдаги ҳисобварағига ёки алоҳида очилган банк карталарига пул маблағлари ўтказиб берилгандан сўнг банк ҳар ойнинг *15-санасига* қадар реестрдаги маълумотларни ваколатли органга тақдим этади.



Истеъмол кредити ёки микроқарз бўйича фоиз тўловлари ҳар ойнинг *25-кунига* қадар ваколатли орган ва/ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан банкларнинг тегишли ҳисобварағига ариза берувчиларнинг реестрини илова қилган ҳолда ўтказиб борилади.



Тақдим этилган реестрга мувофиқ банклар ушбу маблағларни истеъмол кредити ёки микроқарз фоизларини қоплаш учун ариза берувчиларнинг банкдаги ҳисобварағига *икки иш куни ичида* ўтказиб боради.

Истеъмол кредити бўйича шартнома шартларида белгиланган асосий қарз ўз муддатида ва/ёки фоиз тўлови ариза берувчи томонидан тўланмаганлиги натижасида юзага келган пеня ва бошқа турдаги зарар банк томонидан умумий белгиланган тартибда *ариза берувчидан ундирилади.*



➔ *Ариза берувчининг муурожаатига асосан унинг номидан давлат хизматлари маркази ходими, ЯИДХП орқали муурожаат қилинганда эса — ариза берувчи мустақил равишда давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровномани электрон тарзда тўлдиради.*



my.gov.uz

Yagona interaktiv davlat
xizmatlari portali

Истеъмол кредитининг фоиз тўловлари компенсация қилиниши бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун СЎРОВНОМА

Т/Р	Қабул қилиш санаси	Қабул қилган шахс
I. Ариза берувчи (жисмоний шахс) ҳақида маълумот:		
1.1. Ф.И.О.:		-
1.2. Туғилган санаси:		кун/ой/йил
1.3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):		-
1.4. Телефон рақами:		-
1.5. Яшаш жойи:		Маҳалла, туман (шаҳар), вилоят, республика
1.6. «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаганлиги тўғрисидаги сертификатининг (нусхаси илова қилинади) ҳаволаси:		-
II. Сертификат олган ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахс ва унинг қонуний вакили ҳақидаги маълумот:		
2.1. Ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахснинг Ф.И.О.:		-
2.2. Туғилган санаси:		кун/ой/йил
2.3. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома рақами ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):		-
2.4. Қонуний вакил (тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади) Ф.И.О.:		-
2.5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):		-
2.6. Қонуний вакил эканлигини тасдиқловчи ҳужжат:		-
2.7. Телефон рақами:		-
2.8. Яшаш жойи:		Маҳалла, туман (шаҳар), вилоят, республика
2.9. «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаганлиги тўғрисидаги сертификатининг (нусхаси илова қилинади) ҳаволаси:		-

Ш. Хорижий тил сертификатини олиш бўйича имтихон ҳақидаги маълумотлар		
3.1. Имтихон тури	3.2. Сертификат №	3.3. Қайд этилган балл/даража
(танланади)	-	-
3.4. Сертификат нусхаси (илова қилинади)	3.5. Тест топширилган сана	3.6. Масъул ваколатли ташкилот (имтихон олувчи марказ) коди/номи
-	-	-